

Экстремистик хусусиятга эга жиноятларини тергов қилишда Telegram мессенжерини баҳолаш масаласи: муаммолар ва таклифлар

Нурумбетова Садоқат Аллаяровна,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академияси Илмий котиби, подполковник
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Аннотация: мақолада экстремизм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш амалиётида Интернет жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланилганлик масаласида жиноят ишларини кўриб чиқишда мавжуд бўлган муаммоларни, Telegram мессенжери орқали тарқатилаётган тақиқланган материалларни баҳолашда вужудга келаётган эътирозли ҳолатларни таҳлили ва муаммоларга ечим сифатида таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Telegram мессенжери, Facebook, Instagram, YouTube, платформа, интернет, ахборот, контент, тергов, жиноят, экстремизм, видео чатлар, жонли эфирлар.

Замонавий ахборот воситаларининг кенг тарқалиши, айниқса мессенжер платформаларининг фаолияти, экстремистик фаолиятни амалга ошириш ва тарқатиш учун қулай муҳит яратиши мумкин. Telegram мессенжери шифрланган алоқа, канал ва гуруҳлар орқали контент тарқатиш имконияти билан айрим ҳолатларда жиний ҳаракатларнинг платформасига айланмоқда. Шу сабабли, экстремистик хусусиятга эга жиноятларни тергов қилиш жараёнида Telegram мессенжеридеги фаолиятни тўғри ва ҳуқуқий жиҳатдан асослаб баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Ахборот технологиялари тез суръатларда ривожланаётган ҳозирги даврда мессенжер платформаларининг жамият ҳаётидаги роли ортмоқда. Шу жумладан, Telegram мессенжери ҳам ахборот алмашиш, гуруҳларда мулоқот қилиш ва жамоатчиликка таъсир ўтказишда кенг қўлланилмоқда. Бирок, бу платформа орқали тарқатилаётган контент, айниқса экстремистик мазмундаги ахборот, миллий хавфсизликка таҳдид солаётгани туфайли унинг ҳуқуқий мақоми ва масъулиятини аниқ белгилаш долзарб аҳамият касб этади.



Ўзбекистонда тақиқланган ташкилотлар томонидан тайёрланган (жами 1389 та, шундан: Facebook-203, Telegram-713, Instagram-226, YouTube-135, Odnoklassniki-35, Tik-Tok-44, сайтлар-13, бошқа манбалар-20)¹ материаллар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани экстремизмга қарши самарали курашиш, ақидапараст оқимларнинг инсон онгига салбий таъсир этиши, тақиқланган материалларни тарқатиш, виртуал оламда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, яширин «хужралар» ташкил қилиш каби фаолият турларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда экстремизм билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш бўйича самарали механизмларни яратиш заруратини билдиради. Мазкур статистик таҳлиллардан келиб чиқиб, энг кўп тарқатилаётган материаллар асосан Telegram мессенжери орқали эканлигини кўриш мумкин. Шу ўринда бир савол ўртага келади, Telegram мессенжери Жиноят кодексининг 244¹-моддаси 3 қисм г) бандида кўрсатилган оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳисобланадими? Хусусан, Telegram орқали олинган маълумотлар – суратлар, видеолар, чат ёзишмалари, аудиоёзувлар – агар улар қонуний йўл билан топилган (шахснинг телефони кўздан кечириш тартиби суднинг санкцияси билан амалга оширилади) ва далил сифатида расмийлаштирилган бўлса, ҳуқуқий кучга эга ҳисобланади.

Telegram – тезкор хабар алмашиш воситаси бўлиб, оддий фойдаланувчилар матн хабарлашувдан ташқари бир-бирларига ҳажми 2 ГБ гача бўлган (премиум фойдаланувчилар эса) **тасвир**, **видео**, **аудио** ва ҳар хил файллар юборишлари ҳамда овозли ва видео кўнғироқларни амалга оширишлари, канал ва гуруҳларда овозли ҳамда видео чатларда катнашишлари мумкин.² Telegram фойдаланувчилари ўз мобил телефон рақамлари орқали рўйхатдан ўтадилар. “Telegram” лойиҳаси Павел Дуров томонидан ўйлаб топилган.

Telegram 2013-йилда ака-ука Николай ва Павел Дуровлар томонидан ишлаб чиқилган. 2013-йилнинг октябрь ойида Telegramда кунлик 100,000 фойдаланувчи бор эди. 2014-йил 24-мартга бориб эса Telegram ўзида 35

¹ O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi tomonidan ekstremistik, terrorizm va aqidaparastlik g‘oyalari bilan yo‘g‘rilgan deb topilgan, shuningdek, aholi orasida turli ixtilof va tushunmovchilik, mutaassiblik hamda ekstremistik, terroristik tashkilotlar va ularning g‘oyaviy yetakchilari faoliyatiga nisbatan hayrihohlik kayfiyatini uyg‘otuvchi materiallar ro‘yxati. 2025 yil 8 yanvar holatiga ko‘ra.

² <https://uz.wikipedia.org/wiki/Telegram>



миллион ойлик ва 15 миллион кунлик фойдаланувчиси борлигини эълон қилди. 2014-йил декабрь ойида Telegram кунлик 1 миллиард хабар юборадиган 50 миллион фойдаланувчиси борлигини ва аудиторияси ҳафтасига бир миллионга кўпаяётганини эълон қилди³.

2018-йил мартда Telegram 200 миллионлик ойлик фаол фойдаланувчига эришди. Ўтган йили, 2020-йил апрель ойида 400 миллион фаол фойдаланувчига эришганлигини маълум қилди. 2021-йил январь ойида бу кўрсаткич 500 миллиондан ошди. 2013-йил октябрь ойида Telegram ҳар куни 100 000 фаол фойдаланувчига эга эканлигини эълон қилди. 2014-йил 24-мартда Telegram ойига 35 миллион ва ҳар куни 15 миллион фаол фойдаланувчига эга эканлигини эълон қилди. 2014-йил октябрь ойида Жанубий Корея ҳукумати томонидан кузатув режалари кўплаб фуқароларни КакаоTalk иловасидан Telegramга ўтишга ундади. 2014-йил декабрь ойида Telegram 50 миллион фаол фойдаланувчига эга эканлигини, кунига 1 миллиард хабар жўнатилганини ва ҳар ҳафта 1 миллион янги фойдаланувчи рўйхатдан ўтишини эълон қилди, беш ой ичида трафик икки баравар кўпайиб, кунига 2 миллиард хабарни ташкил этди. 2015-йил сентябрь ойида Telegram илованинг 60 миллион фаол фойдаланувчига эга эканлигини ва ҳар куни 12 миллиард хабар етказиб берилаётганини эълон қилди. 2016-йил февраль ойида Telegram ойига 100 миллион фаол фойдаланувчига эга эканлигини, кунига 350 000 янги фойдаланувчи рўйхатдан ўтишини ва 15 миллиард хабар етказиб берилишини эълон қилди. 2017-йил декабрь ойида Telegram ойига 180 миллион фаол фойдаланувчига етди. 2018-йил март ойига келиб, бу кўрсаткич икки баравар ошиб, Telegram 200 миллион ойлик фаол фойдаланувчига этди.

2019-йил 14-мартда Павел “сўнгги 24 соат ичида Telegramга 3 миллион янги фойдаланувчи қўшилганини” айтди. У бундай кўп сонли янги рўйхатдан ўтишларга нима сабаб бўлганини аниқ айтмади, бироқ бу давр Facebook ва унинг Instagram каби иловалар оиласида узоқ муддатли техник носозлик кузатилган даврга тўғри келган эди. АҚШ Қимматли қоғозлар ва биржалар комиссиясига кўра, 2019-йил октябрь ойида Telegram бутун дунё бўйлаб 300 миллион ойлик фаол фойдаланувчига эга эди⁴.

³ <https://www.laptopmag.com/articles/how-to-use-telegram>

⁴ <https://texnokun.uz/?tag=telegram>

2020-йил 24-апрель куни Telegram 400 миллион ойлик фаол фойдаланувчига этганини эълон қилди. 2021-йил 8-январ куни Павел ўз блогида Telegram “тахминан 500 миллион” ойлик фаол фойдаланувчига этганини эълон қилди. Август ойида TechCrunch Telegramнинг энг йирик бозори Ҳиндистон эканлигини, минтақадаги умумий ўрнатмаларининг 22 фоиз улушига ега эканлигини хабар қилди. 2021-йил 5-октябрь куни Фасебоок ва унинг шерикларида рўй берган узилиш натижасида Telegram 70 миллиондан ортиқ янги фойдаланувчини қўлга киритди.

2022-йил март ойида Telegramнинг Россиядаги улуши 63% га ошиб, ShhacAppнинг 32% улушидан ошиб кетиб, мамлакатдаги энг машхур тезкор хабар алмашиш иловасига айланди. 2022-йил 19-июнь куни Telegram 700 миллион ойлик фаол фойдаланувчига етганини эълон қилди. 2023-йил июл ойида Telegramда 800 миллиондан ортиқ ойлик фаол фойдаланувчи бор эди. 2023-йил июль ойидан бошлаб, Telegram Россиядаги энг машхур ижтимоий тармоққа айланди ва 2023-йил декабрь ойига келиб 46,8% бозор улушига эга бўлди. 2024-йил март ойи ҳолатига кўра, Павелнинг маълумотига кўра, Telegram ойлик 900 миллиондан ортиқ фаол фойдаланувчига эга. Telegram дастури 2021-йил март ойида чексиз фойдаланувчиларни қўшган ҳолда мулоқот қилиш имконини берувчи овозли чатни тақдим этди⁵. Июль ойида эса 30 кишилиқ видеоконференциясида ҳар бир иштирокчи ўз экранидан скрин кўрсата олиш имкониятига эга бўлди. Август ойи охирида эса Telegram Овозли ва Видео чатларни Жонли эфирлар дея номлади. Сентябрь ойидаги янгиланишда эса Жонли эфирларни ёзиб олиш имкониятини ҳам тақдим этди⁶. Шундай қилиб биз 2021-йилни Реаксиялар, Яширин матн, Таржимон ва ҚР-Кодлар билан тугатдик. 2022 -йил март ойида Telegram яна бир янгиланишни эълон қилди. Бунда кўра Telegram ботларини яратишда янги дастурлаш тили (JavaScript) қўшилди. Бундан ташқари Telegram янги эможилар, стикерлар ва тўғридан тўғри каналлар ва гуруҳлардаги постларни Telegramдан чиқмаган ҳолатда бошқа тилларга таржима қилиш имконияти ҳам яратди⁷.

⁵ Telegram разместили бонды на 1 млрд \$. РБК. Дата обращения: 16 марта 2021. [Архивировано](#) 15 марта 2021 года.

⁶ [Похожие каналы, перепост историй и ещё 9 нововведений](#). Telegram (30 ноября 2023). Дата обращения: 27 июля 2024.

⁷ [Аудитория русскоязычных каналов в Telegram выросла вдвое за 2022 год](#). Forbes (19 января 2023). Дата обращения: 25 июня 2023. [Архивировано](#) 19 июня 2023 года.

Кўриб ўтилганларнинг барчаси Telegram мессенжерининг ишлаш тартиби ва унинг ривожланиш босқичларини ташкил этади. Тергов жараёни учун юқоридагиларга қўшимча тариқасида Telegram мессенжерининг ҳуқуқий мақоми қандай асослангандилиги мумкин.

Telegram мессенжери ҳуқуқий мақомига келадиган бўлсак, Telegram расман Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтмаган. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, оммавий ахборот воситаси деб жамиятдаги воқеалар ва жараёнлар тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш, тайёрлаш ва тарқатишни амалга оширувчи, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган таҳририятлар эътироф этилади.

Telegram эса мустақил платформа бўлиб, фойдаланувчилар томонидан тузилган каналлар, чатлар ва гуруҳлар орқали ахборот тарқатиш имконини беради. Бу хусусиятига кўра, Telegram ОАВ сифатида эмас, балки ахборот майдонида фаолият юритаётган **восита сифатида баҳоланади**. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш мақсадида давлат органлари томонидан ахборот ресурслари фаолияти устидан назорат амалга оширилиши белгиланган. Telegram мессенжеридagi каналлар ва гуруҳлар орқали тарқатилаётган контент ушбу қонунчилик талабларига мувофиқ равишда баҳоланиши лозим.

Тергов амалиётида Telegram орқали тарқатилаётган ахборотлар таҳлилида қуйидаги ҳолатлар қайд этилаётганлигини кўриш мумкин:

- ёпиқ гуруҳлар орқали экстремистик ғояларнинг тарқатилиши;
- давлат тузумига қарши чақириқлар;
- тақиқланган диний адабиётларнинг PDF шаклда тарқатилиши;
- радикал ҳаракатларга даъват этувчи видео ва суратлар;
- мессенжер орқали терроризмни молиялаштиришга оид алоқа ва транзакция излари.

Бунга асос қилиб ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” бандига кўра, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни тарқатиш - оммавий ахборот воситаларидан ёхуд

телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Бироқ “Telegram” мессенджери – оммавий ахборот воситалари ёхуд телекоммуникация тармоқлари, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳам эмас. Балки, фойдаланувчилар ўртасида матн, тасвир, видео, аудио ва бошқа ҳар хил маълумотларни узатиш учун қўлланиладиган интернет орқали ишловчи дастур ҳисобланади. Шунингдек, “Telegram” – асосан смартфонлар учун мўлжалланган, ҳар хил типдаги файллар ва хабарларни алмашилиш мақсадида яратилган мессенджер ҳисобланади.

Бугунги кунда тергов ва суд амалиётида ҳам шахс диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни “Одноклассники”, “Facebook”, “Twitter”, “Instagramm”, “Tik-tok” ва бошқа шу каби ижтимоий тармоқлардаги ўзининг шахсий профилига публикация, reels, контент, лента, хештег сифатида жойлаштирган тақдирда ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, жавобгарликка тортилаётганлиги яққол мисол бўла олади.

Чунки публикация, reels, контент, лента, хештег сифатида жойлаштирилган видеотасвирларни нафақат ушбу шахсни профилига обуна бўлган обуначилар, балки бутун омма ва жаҳон халқи кўради. “Telegram” мессенджерини эса юқоридаги ижтимоий тармоқлар каби публикация, reels, контент, лента, хештег номли функциялари йўқ. Фақатгина история функцияси мавжуд. Историяга қўйилган видеони ҳам фақатгина ўша шахсни контактларида мавжуд бўлган шахслар кўра олади.

Ўзбекистон Республикасининг 26.12.1997 йилги “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги 541-И-сон Қонунининг 1-моддасида “Газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радиоэшиттиришлар, хужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир.” - деб кўрсатиб ўтилган.

Telegram мессенджери газета, журнал, ахборотнома, бюллетен, ахборот агентлиги, телевидение, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий

нашрларга ҳам кирмайди. Telegram мессенжери техник жиҳатдан оммавий ахборот воситаси сифатида расман эътироф этилмаган бўлса-да, ахборот тарқатишдаги реал таъсири туфайли унинг фаолияти давлат органлари томонидан назорат қилиниши лозим. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, экстремистик материалларнинг тарқалишини олдини олиш мақсадида Telegram платформасидаги фаолиятга қонуний асосда баҳо бериш муҳим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 244¹-моддаси 3 қисм г) бандини қуйидагича ўзгартириш таклиф этилади:

“оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоқлари ёки интернет орқали ишловчи дастурий таъминот ёхуд мессенжерлардан фойдаланиб содир этилган бўлса” .

Шунингдек, Telegram мессенджери ёрдамида тарқатилган экстремистик материалларни тергов қилишда аниқлик билан ишлашни таъминлаш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- Telegram орқали тарқатиладиган ахборотларга нисбатан махсус ҳуқуқий мезонлар ишлаб чиқиш;

- Ижтимоий тармоқ ва мессенжерлар мониторингига оид алоҳида норматив ҳужжат қабул қилиш;

- Telegram каналлари фаолиятини муҳандислик ва лингвистик экспертизалар орқали баҳолаш механизмларини жорий этиш:

- Ижтимоий тармоқ ёки мессенжерларда аниқланган маълумотлар ёки материалларни экстремизмга оидлигини баҳолашда комплекс (диншунослик, лингвистик, сиёсатшунослик, адабиётшунослик, рақамли экспертизалар) экспертиза тайинлаш;


- Telegram маълумотларини баҳолаш бўйича алоҳида методик қўлланма ишлаб чиқиш;

- Республика ҳудудий экспертлик бўлим (гурух)ларида ИТ мутахассислар штатини ташкил этиш ва ходимлар билан таъминлаш;

- экстремистик фаолиятга алоқадор ташкилотлар, шахслар ва материаллар электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Telegram>
2. <https://www.laptopmag.com/articles/how-to-use-telegram>
3. Telegram разместиł бонды на 1 млрд \$. РБК. Дата обращения: 16 марта 2021. Архивировано 15 марта 2021 года.
4. Похожие каналы, перепост историй и ещё 9 нововведений. Telegram (30 ноября 2023). Дата обращения: 27 июля 2024.
5. Аудитория русскоязычных каналов в Telegram выросла вдвое за 2022 год. Forbes (19 января 2023). Дата обращения: 25 июня 2023. Архивировано 19 июня 2023 года.



Research Science and Innovation House

